



Ислом Нури

Аллох бу дунёни яхши одамлар учун яратган. Одамларни эса Аллохга ибодат қилиб, яхши ишларни бажаришлари учун пайдо қилган. Аллох: **«Мен жин ва инсонларни факат Менга ибодат қилишлари учун яратдим»**, – деган. Яхши одамлар бу дунёда Аллохга иймон келтириб, мусулмон бўладилар. Илм оладилар, намоз ва Куръон ўқийдилар. Меҳнат қиладилар. Хаммага яхшилик қилиб юрадилар. Ана шунда ер юзи обод бўлади. Шахар ва кишлоклар гуллаб-яшнайдилар. Шунинг учун Аллох мусулмонларни яхши кўради.

Аллох мусулмонларнинг дўстидир. У мусулмонларга доимо яхшилик қилади. Дуо қилсалар, дуоларини қабул қилади. Ёрдам сўрасалар, ёрдам беради. «Бизни золимлардан қутқар!» – деб ҳаракат қилсалар, қутқаради. Қасал бўлиб қолиб, шифо сўрасалар, шифо юборади. Вафот этсалар, жаннатга олиб қиради.

Мусулмонлар қийин аҳволга тушиб қолсалар, сабр қиладилар. Аллохдан яхши кунларни сўраб меҳнат қиладилар. Улар: «Бу қийинчиликларга Аллох учун сабр қиламиз, яхши кунлар келиши учун Аллох айтганидек ҳаракат қиламиз», – дейдилар. Шунда Аллох уларга савоб ёзиб қўяди ва яхши кунларни беради.

Агар мусулмонлар яхшиликка етишсалар, Аллохга шукр қиладилар. «Бу яхшиликларни бизга Аллох берди», дейдилар. Буни эшитиб Аллох уларга яна савоб ёздириб қўяди. Қаранг, мусулмон бўлиш қандай яхши-а! Кофирларга эса бунақа яхшиликлар йўқ. Чунки улар Аллохга иймон келтирмайдилар. Аллох ҳам уларга савоб ёзмайди. Аллох кофирларга яхши нарсаларни берса, улар: «Буни ўзимиз топдик, биз зўрмиз-да!», – деб ўзларини ўзлари мактайдилар. Аллохни эсламайдилар. Бирон балога учраб қолсалар, ўзларининг ёмонликларидан эмас, бировлардан кўрадилар.



Ислом Нури

Аллох бу дунёда Ўзининг дўстлари – мусулмонларни синаб кўради. Уларга баъзида офатлар юборади. Баъзида уларнинг устларига Ўзининг душманлари – кофирларни юборади. Мана шуларга карши курашинглар, ўзингизни ва Аллохнинг динини химоя қилинглар! – деб айтади. У: «**Агар Аллохга ёрдам берсангизлар, Аллох ҳам сизларга ёрдам беради!..**» – деган. Мусулмонлар ўзларининг дўстлари бўлган Аллохга, яъни, Унинг динига ёрдам берадилар. Чунки инсон ўзининг дўстига ёрдам бериши керак-да, тўғрими?! Ана шундан кейин Аллох ҳам мусулмонларга ёрдам беради. Уларни душманлар устидан голиб қилиб кўяди. Уларга катта-катта савоблар ёзади ва охирида мукофотлар беради.

Аллох Ўзининг дўстларини ҳамма томонлама кучли бўлишларини хоҳлайди. Мусулмонлар энг аввал иймонда, илмда ва одобу ахлоқда кучли бўлишлари керак. Кейин бошқа ишларда ҳам кучли бўлишлари лозим. Шунда улар Аллохнинг динига ёрдам бера оладилар. Ана шунда Аллох ҳам уларга энг биринчи ўринда ёрдам беради. Кучсиз мусулмонларга эса кейин ёрдам беради.

11 – Қоида. Аллох – мусулмонларнинг дўсти. У кучли мусулмонларни кўпроқ яхши кўради. Мусулмон болалар ҳамма томонлама кучли бўлишлари керак. Улар энг биринчи илм олишга каттик киришадилар. Ўқиганларига амал қиладилар.

Саволлар

1. Аллох мусулмонларга қандай яхшиликлар қилади? Уларни қандай қилиб



синайди?

2. Аллох нима учун кучли мусулмонларни кўпроқ яхши кўради?